

2020

STRUCTURE FORMATION MAMLUK SALTANATE IN EGYPT

Zukhra Aripova Miss

INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN, z.aripova@iiiau.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau>



Part of the [Classical Literature and Philology Commons](#), [Islamic Studies Commons](#), and the [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#)

Recommended Citation

Aripova, Zukhra Miss (2020) "STRUCTURE FORMATION MAMLUK SALTANATE IN EGYPT," *The Light of Islam*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 11.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiiau/vol2020/iss1/11>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Zukhra ARIPOVA,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF
UZBEKISTAN, doctor of Philosophy (Phd), docent of the
department "Al-Azhar department of Arabic language and
literature" z.aripova@iiaau.uz
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

МИСРДА МАМЛУК СУЛТОНЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

СТРУКТУРА ФОРМИРОВАНИЯ МАМЛЮКСКОГО САЛТАНАТА В ЕГИПТЕ

STRUCTURE FORMATION MAMLUK SALTANATE IN EGYPT

Калит сўзлар: Миср, мамлук, султон, бахрий, буржий, тарих, халифалик, мадраса, иншоат, шаҳар, тарихий жараён, илм-фан.

Ключевые слова: Египет, страна, султан, бахриты, бурджиты, история, халифат, медресе, строительство, город, исторический процесс, наука.

Keywords: Egypt, country, Sultan, Bahrits, Burjits, history, Caliphate, madrasah, construction, city, historical process, science.

«Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва аждодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир» [1].

Ўзбекистон ва Мисрни, гарчи орадаги масофа узоқ бўлса-да, тарихий-маданий муштараклик, анъанавий дўстлик ва яқин ҳамкорлик бирлаштириб туради.

Мутахассислар фикрича, XIII–XV асрларда Мисрда ҳукм сурган мамлуклар султонлиги давлатида уни тили, тарихи, анъаналари жиҳатидан Ўрта Осиё ва Мисрнинг зикр этилган асрлар тарихида жуда кўп ўхшашликлар мавжуд ва уларни ўрганиш бизнинг тарихчиларимиз учун долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ҳар бир тарихий давр, ҳар қайси сиёсий гуруҳ ўз сиёсий манфаатларини тўла-тўқис ифодалайдиган раҳнамо ҳамда йўлбошчиларни олдинга суради. Тарих оқимида сиёсий қарашлар ва ғояларни олға сурган, шакллантирган, инсон маънавий дунёсини бойитувчи асарлар яратган ҳамда инсоният тарихидаги кескин бурилишларга қўмаклашган саркардалар, сиёсий ва давлат арбоблари, фай-

Миср ўрта аср тарихида туркий султонлардан тулунийлар, ихшидийлар, мамлукларни ўзига хос жиҳатлари кўзга ташланади. Бу даврларда барпо этилган диний тарихий обидалар, қадамжолар бу султонларни фаолиятларини бир қисми бўйича маълумот бера олади. Ушбу илмий мақолада 1250-1517 йилларда Мисрда ҳукмронлик қилган мамлук султонларини ҳукмронлиги шаклланиш жараёнлари, дастлаб Мисрда мамлукларни кириб келиши, уларни тахтга келишлари билан боғлиқ ҳодисалар, аббосий халифалар билан муносабати ўрганилган ва таҳлил қилинган, Миср мамлук султонларининг обрў-эътибори мўғуллар устидан қозонилган ғалабадан сўнг ошиб кетди. Шунингдек, баҳрий мамлук султонларини ҳукмронлиги (1250-1382 йй.), буржий мамлук султонларининг ҳукмронлиги (1382-1517 йй.) билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилган. Ўрганилатган даврнинг яна ўзига хослиги ва аҳамиятли жиҳати – араб маданиятига жадал равишда туркий унсурларнинг кириб келиши эди. Биринчи мамлук султонлари (баҳрийлар) эски туркий тилининг ўғуз – кипчоқ шеvasида гаплашар эди. Девонхоналарда ҳам кипчоқ тили муомалада бўлди. Эски туркий тиллар бўйича мутахассислар шу даврда Мисрда кипчоқ тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилган ҳамда кипчоқ тилининг грамматикаси ва лексик бойлигини ўрганишга бағишланган асарлар ёзилганлигини таъкидлайди.

В средневековой истории Египта периода правления тюркских султанов особенно примечательными являются периоды правления династий Тулунидов, Ихшидидов и мамлюков. Религиозные исторические памятники и святыни, построенные в этот период, могут предоставить информацию о некоторых действиях султанов. В этой научной статье исследуются и анализируются процессы формирования суверенитета мамлюков, господствовавших в Египте в 1250-1517 гг. События, которые предшествовали прибытию египтян в Египет, их отношения с Аббасидами. Престиж египетских султанов вырос после победы над монголами. Кроме того, в статье рассматриваются вопросы, связанные с правлением султанов Бахритов (1250-1382) и султанов Бурджитов (1382-1517). Другой особенностью изучаемого периода было быстрое проникновение тюркских элементов в арабскую культуру. Первые султаны (бахриты) говорили на огузско-кыпчакском диалекте древнетюркского языка. А также они использовали этот диалект в канцелярской работе. Древнетюркские ученые говорят, что в то время большое внимание было уделено изучению кыпчакского языка в Египте, в частности грамматики и лексики кыпчакского языка.

In the medieval history of Egypt during the reign of the Turkic sultans, the reigns of the dynasties of the Tulunids, Ihsidids and Mamluks are especially noteworthy. Religious historical monuments and shrines built during this period can provide information on some of the activities of the Sultans. This scientific article explores and analyzes the processes of formation of the sovereignty of the Mamlukes that dominated Egypt in 1250-1517. The events that preceded the arrival of the Egyptians in Egypt, their relationship with the Abbasids. The prestige of the Egyptian sultans grew after the victory over the Mongols. In addition, the article discusses issues related to the administration of the Bahrit Sultans (1250-1382) and the Burjit Sultans (1382-1517). Another feature of the studied period was the rapid penetration of Turkic elements into Arab culture. The first sultans (Bahrits) spoke the Oguz-Kypchak dialect of the ancient Turkic language. And they also used this dialect in clerical work. Ancient Turkic scholars say that at that time much attention was paid to the study of the Kipchak language in Egypt, in particular the grammar and vocabulary of the Kipchak language.

ласуфлар, султонлар, амирлар ва хонлар бўлган. Муайян тарихий даврларда тарихий шахслар ўз вазибаларининг ёки ўзлари вакили бўлган ҳукмрон сиёсий гуруҳлар вазибаларининг қўллаб-қувватланишига эришадилар ҳамда шундай бир қуролли кучни ярата оладиларки, бу куч ўз ватанини ҳимоя қилиш, ватанини гуллаб яшнаши учун жонини ҳам фидо қила оладиган гуруҳлар шаклланишига олиб келган. Бундай ўрта аср тарихининг ёрқин намоёндалари 1250-1517 йиллар мобайнида Мисрда ҳукмронлик қилган мамлук султонларидир. XX аср охири XXI аср бошига келиб ўрта аср тарихига қизиқувчи олимларнинг мамлуклар даври тарихига, маданиятига эътиборлари кучайиб, бу борада қатор тадқиқотлар олиб боришмоқда. Бирин-кетин шу масалага бағишланган махсус китоблар ёзила бошланди. Бу асарлар муаллифлари XIII–XV асрлар маданияти ва адабиётига ҳолисона ёндошиб, шу даврнинг ютуқлари ва хусусиятларига объектив баҳо беришга ҳаракат қилганлари кузатилади. Мазкур тадқиқотларда XIII–XV асрлар маданияти, тарихи ва адабиётини янада “жиддийроқ ва чуқур-

роқ” ўрганиб, тадқиқотлар олиб бориш лозимлиги таъкидланган.

Дастлаб Аббосий халифа Ма‘мун (813-833 йй.), сўнг халифа Му‘тасим (833-842 йй.) ўз салтанатида бир ҳарбий фирқада туркманлар ва хоразмликлар хизматидан фойдаланишни афзал кўришган. Аббосий халифаликлар силсиласида мамлукларнинг муттасил ҳарбий хизмати шундан бошланган. [15,3; 7, 6-7] Халифалиқда вазирлик лавозими форслар қўлига ўтиб қолгани, агар армияда ҳам форслар устунликка эришишса, ҳокимият тўлиғича уларни қўлига ўтиш хавфи юзага келгани сабабли, форслардан тузилган дастлабки шундай ҳарбий бўлинма халифа ишончини оқламаган. Шу боисдан, халифалар ҳарбий хизматида туркийлардан фойдаланишни маъқул кўрганлар [16, 23].

Марказий Осиё ва Миср тарихий-маданий алоқаларида яна қизиқарли ва ёрқин варақлар бор. Масалан, турли даврларда Миср ҳокимияти бошида Марказий Осиёдан чиққан туркий қабилалар вакиллари ҳукмдорлик қилди. Биринчи давр IX асрга тақалиб, унда Мисрда Тулунийлар сулола-

си (868–905 йй.) ҳукмдорлик қилган эди. Сулоланинг асосчиси Аҳмад ибн Тўлун аслида Бағдодда халифанинг туркий лашкарбошиси бўлган. Унинг отаси Аҳмад Бухоро атрофидаги кўчманчи туркий қабилалардан бўлиб, у IX аср бошида ёшлигида кул сифатида Бағдодга юборилган. Ўзининг шахсий фазилатлари туфайли Тўлун катта мансабларга эришди ва халифанинг яқинларидан бирига айланди. Ўғли Аҳмад ибн Тўлун Мисрга ҳоким қилиб тайинлангандан сўнг у ерда мустақил сиёсат олиб борди ва тез орада Мисрни кучли давлатга айлантирди. Тарихчилар Тулунийлар сулоласи ҳукмдорлик қилган даврни Миср ўрта аср тарихида “Олтин давр” деб ҳисоблашади. [4, 73] Аҳмад ибн Тўлун Миср ҳимояси учун ҳарбий кемалардан ташкил топган кучли флот барпо қилган. Миср пойтахти Фустат(эски Қоҳира)да жуда кўп бинолар қурдирган. У қурдирган машҳур Аҳмад Тўлун масжиди ҳозирги кунга қадар бутун дунё саёхатчиларини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Миср тахтида Тўлунийлардан бешта султон ҳукмдорлик қилгандан сўнг заифлашиб, бу сулоладан ҳукмдорлик Фотимийлар сулоласига ўтган.

Кўриб турибмизки, бухоролик бир кулнинг ўғли султонлик даражасига етиб борди ва бутун Миср давлатини бошқарди. Туркий қабилалардан чиққан йигитларни лашкарликка жалб этиш бутун мусулмон давлатлари учун хос эди. Улардан баъзилари ҳарбий истеъдоди ва содиқ хизмати, зехнли эканлиги учун баланд мансабларга, ҳатто амирликка эриша олиши мумкин эди. [19,12]

Айни мана шундай туркий куллардан чиққан лашкарбоши амирлар XIII асрнинг иккинчи ярмида мамлуклар давлатини барпо этдилар.

Мамлуклар давлати Миср тарихида 1250 йилдан то 1517 йилгача давом этди ва ўз навбатида икки босқичга бўлинди. Дастлабки босқичда биринчи мамлуклар давлати 1250–1382 йиллари Марказий Осиё ва Дашти қипчоқдан чиққан ва “бахрийлар” номини олган туркий мамлуклар султонлари ҳукмдорлик қилди. “Бахрийлар”номи Нил дарёси ўртасида жойлашган ар-Равда оралиғидаги дастлабки мамлук аскарлари манзилгоҳи билан боғлиқ ҳисобланади. Нил дарёсининг кенлиги ва чуқурлиги учун мисрликлар баъзида уни “ал-Бахр” – яъни, денгиз деб аташади. Иккинчи босқичда эса асли келиб чиқиши кавказлик бўлган (асосан черкеслардан) ва “буржийлар” номини олган мамлуклардан чиққан султонлар давлатни бошқаришди. Кавказли мамлуклар номи “Буржийлар” – “ал-Бурж” қалъаси номидан тарқалган бўлиб, бу қалъада ҳам мамлуклар жойлашган. XV асрда эса у кавказли мамлукларнинг манзилгоҳига айланди. 1517 йилда заифлашган мамлуклар давлатини Усманий турклар босиб олди.

Шундай қилиб, мамлуклар давлати, айниқса, унинг биринчи даври (XIII–XIV аср) Миср ва унинг таркибига кирган Сурия (Шом) тарихида ўзига хос ёрқин бир даврни ташкил этар экан, савол туғилади: мамлук султонлари ўзи ким бўлган, қандай қилиб насл-насаби кулларга – мамлукларга (оқ кул деган маънони англатиб, том маънода “кимнингдир мулки”) бориб тақалган шахслар султон даражасига чиқиб тахтга ўтиришди? Мамлук султонлари Ойбек Туркманий 1250–1257 йилларда, ал-Музаффар Сайфиддин Қутуз 1259–1260 йилларда, аз-Зоҳир Бейбарс 1260–1277 йилларда, ал-Мансур Сайфиддин ал-Қалаъун 1280–1290 йилларда ҳукмронлик қилишган, ва бошқалар араб қавмига эмас, балки туркий элатларга, хусусан Дашти Қипчоқда кўчиб юрган қипчоқ, ўғуз ва бошқа туркий қабилаларга ёки мўғул истилосидан қочган хоразмликларга таалуқли эканини ўша даврнинг машҳур тарихчилари ал-Мақризий, Ибн ал-Ийяслар кўрсатиб ўтишган. [7, 117-118]

Улар турли йўллар билан Мисрга келиб қолишган, аксарияти ёшлигида одам ўғрилариининг кўлига тушиб куллар бозорида Миср амирларининг одамлари томонидан сотиб олиниб муайян жойларда махсус ҳарбий тарбия олган. Шу тарзда мазкур бўлажак мамлук султонлари охири аййубий султон ал-Малик ас-Солиҳ Нажмиддин Аййуб туркий аскарлари қаторига тушади ва ўзларининг шахсий фазилатлари, айниқса, жасорати ва содиқлиги учун юқори ҳарбий мансабларга кўтарилиб, ҳатто лашкарбоши ва амирлар даражасига етишган. Б.Греков ва А.Якубовский ўзларининг “Олтин Ўрда” китобида ёзишларича, “айниқса Мисрда Дашти Қипчоқдан чиққан ёш туркийларни юқори баҳолашади. Ал-Умарийнинг ёзишича, ал-Малик ал-Камилнинг ўғли ал-Малик ас-Солиҳ Нажмиддин Аййуб қипчоқ кулларини зўр бериб сотиб ола бошлагандан сўнг Миср лашкарининг кўп қисми қипчоқлардан ташкил топди ва улар орасидан Мисрнинг султонлари ва амирлари етишиб чиқди. [5,90-91]”

Султон ас-Солиҳ Нажмиддин салбчиларга қарши Фаластинда олиб борган курашда мўғуллардан қочиб ўз юртларидан шу минтақага келиб қолган хоразмликлар ҳам иштирок этганлар. Хоразмликлар ёрдамида 1244 йили Султон Солиҳ Нажмиддин салбчилардан Байт ал-Қуддусни (Иерусалим) бутунлай тортиб олган. [13, 164].

Миср ҳукмдорлиги аййубийлар сулоласидан мамлук сулоласига ўтишда шоҳ ас-Солиҳ Нажмиддин Аййубийнинг хотини Шажарат ад-Дуррнинг ўрни катта бўлган. Келиб чиқиши номаълум бўлганлиги туфайли бу тарихий шахс атрофида афсоналар тўқилган, масалан уларнинг бирида у ёш-

лигида Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси Туркан хотун саройида тарбия олганлиги, мўғуллар бостириб келганда оиласи билан қочиб, йўлларда қолиб кетганлиги ва кул сифатида сотиб олиниб Султон ас-Солиҳ саройига олиб келинганлиги тўғрисида баён қилинади. [20, 55] Ниҳоятда ақл-заковатли ва гўзал бўлган бу аёлни саройдагилар Шажарат ад-Дурр – “Дурлар дарахти” деб аташган ва у шу ном билан тарихга кирган. Оддий чўри – хизматкор – жорияликдан – канизакка, ундан султоннинг севиқли хотинига айланган Шажарат ад-Дурр эрининг охири кунларигача ёнида бўлиб, қимматли насихатлари билан унга мадад бериб турган. Кексайган аййубий султоннинг тасодифий ўлими француз кироли Людовик тўққизинчи бошчилигидаги салбчиларнинг Мисрга қилган еттинчи ҳарбий юриши даврига тўғри келади. Жасоратли Шажарат ад-Дурр марҳум султон Солиҳ Нажмиддин Аййубнинг атоқли туркий лашкарбошилари ва амирлари Бейбарс, Октой, Ойбек, Қутуз ёрдамида салбчиларга қарши шиддатли кураш уюштирди, улар устидан ғалаба қозониб ҳатто қирол Людовик IX асирга олади. Амирлар ва лашкарбошилар розилиги билан Шажарат ад-Дурр 1250 йилда Миср тахтига ўтиради ва давлатни бошқара бошлайди. Унинг номи Бағдоддаги халифа номидан кейин Миср масжидларида хутба вақтида зикр этилади, олтин тангаларга зарб қилинади. Бу тангалардан биттаси Лондондаги Британ музейида сақланиб келинмоқда. [7,119] Аммо Шажарат ад-Дуррнинг Миср тахтида султонлик қилиши 3 ойгагина бора олди холос, чунки мусулмон умматининг раҳнамоси бўлган Бағдоддаги халифа ал-Мутаъсим аёл кишини давлат бошқаришига фатво бермайди ва жиддий норозилигини билдиради. Шажарат ад-Дурр амирларидан бири – Ойбек ат-Туркманийга турмушга чиқишга мажбур бўлади. Ойбек ат-Туркманий 1257 йилгача Миср тахтида султон Ойбек ал-Муъизз номи билан ҳукмдорлик қилди. Аммо такаббур феълли Шажарат ад-Дурр ҳамон давлат ишларига аралашарди, бунинг натижасида ҳукм учун курашда иккалови ҳам фожеали ҳалок бўлишади.

Шажарат ад-Дуррнинг султон Солиҳ Аййубийдан бўлган ўғли ёшлигида ўлиб кетганлиги, Ойбекдан эса ворис туғилмаганлиги сабаб тахт Ойбекнинг биринчи хотинидан бўлган ёш ўспирин ўғли ал-Мансур Нуриддин Алига ўтди. Назоратчи (регент) этиб Амир Сайфиддин Қутуз тайинланди. Султон Али давлат ишлари билан қизиқмайдиган, энгил хулқли бола бўлиб, у ўз тенгдошлари билан ҳар хил ўйинлар ўйнаш билан кунини ўтказар эди. Бу ишдан норози бўлган амир Қутуз уни тоғдаги қалъага қамаб қўяди ва ўзини Миср султо-

ни деб эълон қилади. [7, 417] Қутузнинг бу ишдан норози бўлган амирларга у қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилади: “Биз мўғуллар билан курашиш учун бирлашишимиз керак, бу ишда султонсиз ҳеч нарса қила олмаймиз, агар душманга бўлинган ҳолда қаршилиқ кўрсатсак, бу нарса яхшиликка олиб келмайди, салтанат ичидаги майда ихтилофлар ҳам шуни тақозо қилади”. [2, 199-200]

1260 йили 3 сентябрда айни мамлук султони Қутуз Фаластиндаги Айн Жалутда мўғуллар билан жанг қилиб, уларни шиддатли мағлубиятга учратди ва Хулагу қўшинларини орқага улоқтириб ташлади. [3, 235; 17, 100] Аммо Мисрга қайтиш мақсадида Дамашқдан чиққанида уни йўлда Байбарс бошчилигидаги аскарлар кутиб олишади ва Султон Қутузни ўлдиришади. Ўрта аср тарихчиси Ал-Мақризийнинг ёзишича: “Султон Қутуз ўлдирилгач, амирлар кенгаши ўтаётган вақтда Амир Актоий амирларга қарата “Сизлардан қай бирингиз уни ўлдирди”, – деб сўраганида Бейбарс “Мен ўлдирдим”, – деб айтади, Актоий “Ундай бўлса султон ўрнига тахтга ўтир”,- дейди” [14, 436; 21, 598; 8,104]. Шу тариқа Султон Малик Аз-Зоҳир Рукниддин Бейбарс 1260 йилда тахтга ўтиради. У 1260–1277 йилларда ҳукмронлик қилган.

Мамлук султонлари даврида Миср кучли давлатга айланди. Айни улар Фаластинда салибчиларнинг қолган кучларини тор-мор қилиб, минтақадан бутунлай йўқотганлар, ва айниқса, бутун мусулмон дунёсини қақшатган мўғулларни салтанат чегарасида тўхтатиб Айн Жалут деган жойда уларга 1260 йил 5 сентябрда бўлиб ўтган жангда катта зарба етказиб мағлубиятга учратиши халқлар хотирасида унутилмас воқеа бўлиб қолди. Мамлуклар даври тарихчилари ал-Мақризий (1364–1442 йй.) ва Ибн ал-Ийяс (1448–1524 йй.) ўзларининг тарихий хроникаларида Миср лашкарлари бошида турган Миср султони Қутуз Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердини жиёни деб тахмин қилинган ва унинг асл исми Маҳмуд ибн Мавдуд деб таъкидлашади. [12, 104]

Айн Жалут жангида мўғул истилосини бошидан кечирган хоразмликлар алоҳида жасорат кўрсатганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар бор. [7, 151]

Шундай қилиб мамлук султонлари Шом ва Мисрга бостириб кирган салбчиларни, сўнг мўғулларни тор-мор этиб, араб ерларини босқинчилардан озод қилишди.

Нисбатан кучли бўлган марказий ҳокимият Мисрда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга имкон берди. Султон Бейбарс даврида кўпгина суғориш учун қазилган иншоотлар қайта тузатилди, ундан кейинги султонлар ҳам суғориш

иншоотлар қурилиши билан кўп шуғулландилар. Деҳқонларга нисбатан солиқ сиёсати анча тартибга келтирилди. Лекин Арабистон ва Ливия чўллари билан мамлук султонларининг муносабатлари анча мураккаб эди, чунки жанговор бадавийлар марказий ҳокимиятга бўйсунушдан бош тортиб исён кўтарар ва тарқоқликка мойил эди. Мағрур бадавийларни тинчитиш савдо йўлларини ҳимоялаш эҳтиёжидан ҳам келиб чиқди, чунки Мисрнинг савдо маркази сифатида мавқеи кўтарилди. У орқали Осиё, Африка ва Европа томонларига транзит савдо ўтарди, Испания билан олдинги савдо алоқалари янада мустаҳкамланди, Олтин Ўрда билан янги алоқалар ўрнатилди.

Бейбарс ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун баъзи солиқларни бекор қилди, ўз даврида Салоҳиддин Аййубий томонидан тузилган, аммо неча йиллар давомида ачинарли ҳолатга келиб қолган денгиз флотини қайта қуради. 1270–1271 йилларда бу флот 40 та янги, яхши жиҳозланган ҳарбий кемалардан иборат эди. Ҳазинага тушумни кўпайтириш учун янги каналлар очилди. Мисрнинг денгиз олди минтақалари қайта қурилди ва яхшиланди. Қоҳира ва Дамашқ ўртасида тезкор почта хизмати ташкил қилинди. Ушбу йўналишда бир неча жойга почта бекатлари қурилган эдики, у ерда тезчопар отлар хизматга шай турарди, улар бир шаҳардан иккинчи шаҳарга тўрт кун ичида етиб бориш имкониятини яратарди. Шунингдек, жуда илдам алоқа хизмати учун қаптарлардан ҳам фойдаланишган. Султон Зоҳир Бейбарс кўплаб масжидлар, диний ва хайрия муассасалари қурдирди. [14, 638] У мактаб ичига қиш ва ёз фаслларида нон ва кийим қўйишга фармон берган. Мамлуклар даврида Қоҳира дунёдаги энг катта шаҳарлардан ҳисобланиб, Бейбарс даврида 70 минг аҳолиси бор эди. [9, 55] Унинг буйруғи билан қурдирилган масжид ва мактаб унинг номида бўлиб, ҳозиргача мавжуд. Унинг даврида кўпгина Европа давлатлари – Франция, Испания, Сицилия билан савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатилди. Султон Бейбарс 1258 йилда Бағдодда мўғуллар истилоси натижасида завол топган Аббосий халифалигини 1261 йилда Қоҳирага кўчиради. Бейбарс олиб борган омма орасидаги сиёсати, айниқса, унинг салб юривчиларга қарши кураши туфайли катта обрў-эътиборга сабаб бўлди. Унинг исми Миср халқи оғзаки ижодида Аббосий халифа Хорун ар-Рашид (786–809 йй.) ва Салоҳиддин Аййубий билан бир қаторда тилга олинади. Султон Бейбарс ҳақида тадқиқотчи Закий Муҳаммад Ҳасан қуйидагича ёзади: “Кўшинни тартибга солиш, уни каттикқўллик билан бошқариш, йўллар қуриш, денгиз портлари, калъаларни таъмир-

лаш, солиқларни енгиллатишини ҳисобга оладиган бўлсак, у буюк бошқарувчи ҳамда катта сиёсатчи, кўғирчоқ ҳукумат сифатида халифаликни Миср пойтахтига кўчириш ҳақидаги Аҳмад ибн Тўлуннинг орзусини муваффақиятли амалга оширди”. [10,4] Султон Бейбарс ўлимидан сўнг, унинг ўғли Носириддин Муҳаммад Баракатхон 1277 йилда тахтга ўтиради. Унинг бошқаруви мобайнида Миср амирлари ўртасида низо келиб чиқади. Бу низолар ортида кучли Амир Сайфиддин Қаловун турарди. Султон Баракатхон укаси Бадриддин Саломишга ўрнини бўшатиб беради. Султон Саломиш тахтга ўтирганида жуда ёш бўлиб, ўша вақтда Отабек Сайфиддин Қаловун эътиборли мавқега эга эди. Айни вақтда у янги султоннинг васийи ҳам бўлади. Саломиш султон бўлгани билан Отабек Қаловун олдида ожиз эди. Саломиш тахтга ўтирганидан 3 ой ўтгач, Қаловун «ал-жабал» калъасига амир, қози ва аъёнларни йиғиб султон ёшлигини, тажрибасизлигини таъкидлайди ва 1279 йилда Отабек Амир Сайфиддин Қаловун Мансур лақаби билан тахтга ўтирди. Унинг ўғиллари ва авлодлари ҳукмдорлиги қарийб, 100 йил Баҳрий мамлуклар даври якунигача давом этди. Маълумки, Қаловундан сўнг унинг авлодидан 9 та султон чиққан бўлиб, улардан тахтга ўтирганларининг 5 таси 20 ёшдан, тўрттаси 10 ёшдан кичик бўлиб, табиийки, бу ҳолатда султон худди Қаловун қўлида Саломиш бўлганидек амирлар қўлида кўғирчоқ эди. [16, 20]

Султон Қаловун Бейбарс сиёсатини давом эттириб, Шом (Сурия) мамлакатларидан салбчиларни ҳайдаб чиқариб, мўғулларга қарши кураш олиб борди. У Мисрда кўпгина мадрасалар, масжидлар, шифохоналар ва улкан иншоотлар, ёдгорликлар бунёд эттирди. У қурдирган Қаловун шифохонаси ҳозир ҳам мавжуд. [16, 21]

Султон Қаловуннинг ўғилларидан Малик Носир Муҳаммад (1309-1340) даврида ҳокимият янада мустаҳкамланди. У мўғуллар устидан ғалаба қозонди ва мамлакат аҳолиси турмушини енгиллаштириш мақсадида қатор чоралар-тадбирлар кўрди, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдони кенгайтди. Унинг даврида шакарқамиш, туз, парранда, қайиқ, чорваларга тўланадиган солиқлар бекор қилинди. Аммо бу тадбирлар етарли эмас эди. Урушлардан мамлакат аҳли чарчаган, ночор ҳолга келганди. Султон Носир вафотидан сўнг ички тортишувлар, ҳокимият учун курашлар, очлик, вабо, тез-тез бўлиб турувчи ички фитналар қашшоқликка ва беқарорликка олиб келди. Айниқса, 1349 йилда етти йил давом этган вабо эпидемияси катта қийинчиликларни юзага келтириб, бунинг натижасида кўпчилик қирилиб кетди.

Кўпинча тахтни эгаллаш учун “*Отабек*” фитналар ва суиқасдлар уюштирарди. Лекин Султон Зоҳир Бейбарс ҳокимиятидаги қудратини сақлаб қолиш мақсадида ўз тахтини мерос қолдириш воқислик асосида бўлиши ҳақида янги низом ишлаб чиқди. Бу мамлуклар давлатида ҳокимиятни мерос асосида бошқариш тизимининг бошланиши эди. Бу низомни биринчи бўлиб Бейбарс фарзандларида сўнг Қаловун авлодларида кўришимиз мумкин. Бунда отасининг вафотидан сўнг ҳукмдорлик султоннинг энг катта ўғлига ўтган. Агар султоннинг ўғли ёш бўлса, унинг васийлигига отабек сайланиб, султон васий ва амирлар қўлида қўғирчоқ эди. Масалан; Али ибн Ойбек Отабек амир Сайфиддин Қутуз, Султон Саломий ибн Бейбарс эса Отабек амир Сайфиддин Қаловун қўлида бўлиб, бу икки ҳолатда ҳам Қутуз ва Қаловун Миср тахтига ўтирган. [16,197]

Шунингдек, Отабек амир Китбуға ал-Мансурий Султон Носир ҳукмронлигидан бир йил ўтгач, унинг ўсмирлигидан фойдаланиб ҳокимиятни ўз қўлига олади. Ўша вақтларда қандай йўл билан бўлмасин, ҳокимият учун кураш авж олган. Султон ноиб амир Сайфиддин Ложин Китбуғони ўлдирмоқчи бўлади, лекин бу амалга ошмай Китбуғо Дамашққа қочади. Унинг ўрнига Ложин тахтга ўтиради. Унга қарши суиқасдлар уюштиришди, Мисрнинг икки амири Сайфиддин Тағжий ва Сайфиддин Каржийларнинг фитнаси амалга оширилади. Иккинчи марта Носир Муҳаммад халқнинг талаби билан тахтга ўтиради. Ҳажга кетганидан фойдаланган Султон ноиб Сайфиддин Салор ва Рукниддин Бейбарс (черкес) ҳокимият учун кураш бошлайдилар. Уруш Бейбарс ғалабаси билан тугайди. [16,199] Қисқа вақтдан сўнг, Носир Муҳаммад учинчи марта тахтга ўтиради. Мамлакат ички низомига ўзгартиришлар киритади, хавфсизликни мустаҳкамлаб, мутлоқ ҳукмдорга айланади.

Ўрганилатган даврнинг яна ўзига хослиги ва аҳамиятли жиҳати – араб маданиятига жадал равишда туркий унсурларнинг кириб келиши эди. Биринчи мамлук султонлари (бахрийлар) эски туркий тилининг ўғуз – қипчоқ шеvasида гаплашар эди. Девонхоналарда ҳам қипчоқ тили муомалада бўлди. Эски туркий тиллар бўйича мутахассислар шу даврда Мисрда қипчоқ тилини ўрганишга алоҳида эътибор берилган ҳамда қипчоқ тилининг грамматикаси ва хусусан лексик бойлигини ўрганишга бағишланган асарлар ёзилганлигини таъкидлайди. [6, 29-36] Ушбу тадқиқотчилар фикрича, мамлуклар давлатида яшаган қипчоқларнинг тили ўзбек тилининг қипчоқ шеvasига яқин бўлган. [11,35-36]

Боғдоддаги аббосийлар халифалиги мўғуллар зарбаси остида емирилганидан кейин (1260) Миср мусулмон дунёсининг маданий марказига айланди. Бу ерга ҳар томондан адиблар ва олимлар тўпланиши адабий-маданий ҳаётни жонлантиришига олиб келди. Мамлук султонлари илмга, адабиётга, динга алоҳида катта ҳурмат ва эътибор билан қарар эдилар. Улар даврида Мисрда, айниқса, Қоҳирада катта қурилишлар олиб борилган, масжидлар, мадрасалар, хонақоҳ, зовия ва рабатлар қурилган. Мамлуклар даврида қурилган ҳашаматли бинолар ханузгача Қоҳиранинг қадимги маҳаллаларида муҳофазага олинган. Мамлук султонлари очган мадрасаларда Қуръони карим, ҳадис, фикҳ исломнинг тўрт сунний мазҳаби – шофийлар, ханбалийлар, маликийлар, ҳанафийлар талқинида махсус тайинланган мударрислар томонидан ўргатиларди. Хонақоҳлар ғариблар ва суфийлар учун фақат бошпанагина бўлмасдан, балки бу ерда диний ва дунёвий китобларни қироат қилишар эди, жумладан, Абу Али ибн Синонинг “аш-Шифо”сини ўқишарди. Мамлуклар давридаги диний ҳаётнинг яна бир хусусиятидан бири-тасаввуфнинг кенг тарқалганлигидадир. Сўфийлар учун султон ва амирлардан ташқари бой савдогарлар ҳам хонақоҳлар қуришар эди. Сўфийларнинг таъмағирликка, нафсни тийишга ва бойлик орттиришга қарши қилган ваъзхонлик даъватлари омма орасида кенг тарқалиб кетарди. Шуни таъкидлаш керакки, сўфийлар султонлар томонидан озик-овқат билан таъминлаб турилар, шунингдек, уларнинг доимий ҳимоясида эдилар. Бу иш хайрия ҳисобланарди.

Мамлуклар салтанати даврида кўп илмий рисоалар ёзилди, биринчи мусулмон энциклопедиялари яратилди.

Мўғуллар ва салбчилар истилоси остида қолган мусулмон мамлакатларининг оғир аҳволи ва инкирозга учраган пайтида Мисрда маънавий-маданий ҳаёт жонланди ва ривожланди. Бу ерга Ироқ, Шом, Эрон, Мовароуннаҳр, Андалусия, Ифрикия(-Шимолий Африка)дан келган олимлар ва адиблар ўзларига бошпана топдилар. Мамлук султонлари уларга хайрихоҳлик билдирди, ҳомийлик қилдилар, яшашга жой ва маош билан таъминлашди. Ҳокимият учун ўзаро шафқатсиз кураш олиб борган бу султонлар илм-фанга, адабиётга алоҳида меҳр қўйган эдилар.

Мамлуклар даврида илм-фан ва адабиётнинг раванқ топишига сабаб бўлган омиллардан бири бу – олим ва адибларни маънавий - маданий меросни сақлаб қолишга қаратилган саъй ҳаракатлари эди. Салбчилар ва мўғуллар истилосидан холи бўлган Мисрдаги олимларда уларгача етиб келган барча

сохалардаги билимларни йиғиб, кўп томлик асарларда жамлашга интилиш пайдо бўлди, айниқса босқинчиликда кўп маънавий бойлик нобуд бўлгандан кейин.

Натижада бир нечта машҳур мусулмон энциклопедиялари пайдо бўлди. “Маданий юксалишнинг энг муҳим сабабларидан бири – олимларда исломнинг мўғуллар томонидан топталган шарафини қайтариш истаги эди. Сўнг илм ва илм аҳлига шоҳлар ва амирлар, давлат арбоблари томонидан ёрдам қўлининг чўзилиши. Миср султонлари илм ва олимларни алоҳида хуш кўрар эдилар,” – деб ёзади Муҳаммад Абд ал-Мунъим Хафажа ва давом этади: “...султон олимлар ижодини қўллаб, уларга мол ва мансаблар ажратар эди. Уларнинг даврида ақл-заковатни англаш самараси бўлган асарлар билан китоб хазиналари тўлди. Араб тилига кўрсатилган эҳтиром, ёзма ишлар билан шуғулланадиган девонхоналар обрўсини кўтарди. Улар араб тилини сақлашди, уни расмий тил қилиб тайинлашди. Улар қармоғида у ардоғда ривожланди” [18,126].

XIII–XIV асрларда Шом ва унга яқин ерлардан мўғуллар ҳайдаб чиқарилди. Дастлабки баҳрий султонлар кучли бўлган бўлсалар, кейинги султонлар ундай эмас эди. Амирлар қайси султонни қўллаб қувватлашса, ўша амир тахтга ўтирарди. Бунинг натижасида иқтисодий таназзул билан бир қаторда маданий таназзул ҳам вужудга келди. XIV аср охирида баҳрий мамлук султонларининг обрўси баланд бўлмай, ҳокимият зобит ва аскарлар қўлида эди.

1250–1382 йилларда Миср ва Араб халифалиги баҳрий мамлук ҳукмронлиги остида бўлиб, уларнинг дастлабкилари кучли, охиргилари эса амирлар хоҳишига кўра қўйилган, ожиз султонлар эди, – деган хулоса келиб чиқади.

Амир Темур марказлашган давлат тузганидан сўнг, Марказий Осиё давлатларидан кул келтирилиши тўхтагилди ва Кавказ давлатларидан олиб келинган мамлуклар сони ошиб борди. Бунинг натижасида икки жамоа ўртасида тахт учун курашлар вужудга келди. Бу курашда, албатта, кўпчилик бўлган черкеслар ғалаба қозонди ва баҳрий мамлуклар сулоласининг бошқаруви ниҳоясига етди.

Шундай қилиб, мўғулларнинг дахшатли зарбасини қайтарган Миср мамлуклар даврида мусулмон маданий марказига айланди ва маънавий – адабий меросини сақлаб қолиб, ҳомий сифатида уни ривожлантирди ва такомиллаштирди. Бунинг учун мамлакатда муносиб илмий-адабий салоҳият бор эди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи, 2016, 19 октябрь.
2. Абу ал-Фидо’ Исмо’ил. Ал-Мухтасар фи ахбор ал-башар. ЖЗ. – Қоҳира, 1907. – Б. 199-200.
3. Аҳмад Шалабий. Ат-тарих ал-исломий. – Қоҳира: мактабат ан-наҳда ал-мисриййа, 1990.
4. Босворт К.Э. Мусулманские династии. Справочник по хронологии и генеалогии. Пер. с англ. П.А.Грязневича. М.: «Наука», 1971. – 324 б.-Греков Б., Якубовский А. Золотая орда. Гос. Соц.эконом. из-во. Ленинградское отделение. 1937.
5. Дониёров Х. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. Т. 1976, Ал-Ибодий Аҳмад Мухтор. Фит-тарих ал-айюбий ва-л-мамлуки. – Искандарийа: Ал-муассаса шаббооб ал-жоми’а, 1992. .
6. Ибн Тағриберди Абу ал-Маҳосин. Китоб ан-Нужум аз-Зоҳира фий мулук Миср ва-л-Қоҳира. Ж.7. –Қоҳира, 1963-1972.
7. Маҳосин Муҳаммад Ваққод. Ат-Табақот аш-ша’биййа фий-л-Қоҳира ал-мамлукиййа. – Қоҳира: Ал-ҳай’а ал-мисриййа, 1999.
8. Муҳаммад Ҳасан Закий. Миср ва-л-надора ал-исломиййа.–Қоҳира: Визора ал-ҳарбиййа, йили кўрсатилмаган.
9. Наджип Э.Н. Кипчакско-огузский литературный язык Мамлюкского Египта. М. 1975.
10. Нур ад-Дин Халил, Сайф ад-Дин Қутуз – Қоҳира ал-муғул, Муассасату Хаврас ад-давлийа мин-нашр ва-т-тавзий. Ал-Искандария, 2005 й.
11. Семенова Л.А. “Салах ад-дин и мамлуки в Египте”. Из-во Наука. М. 1966.
12. Такий ад-дин Ал-Мақризий. Ас-Сулук фи ма’рифа дувал ал-мулук. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-мисриййа. Ж1.1970.
13. Хасанов А.А. Социально-политический строй мамлюкского Египта..., Автореф. дисс. на соиск. канд. ист. наук. – 1975
14. Ҳасан ‘Али Иброҳим. Тарих ал-мамолик ал-баҳриййа – Қоҳира: мактабат ан-наҳда ал-мисриййа, 1967.
15. Ҳамза Абд ал-Ҳофиз. Нияба Ҳалаб фий аср салотин ал-мамолик. – Қоҳира: Ал-Ҳай’а ал-мисриййа, 2000.
16. Хафажа Муҳаммад Абд ал-Мунъим. Қиссату ал-адаб фи Миср,
17. Ходжаева Р.У. Мамлуклар даври араб адабиёти (XIII–XVасрлар). Т.2013
18. Шамий Яҳё. Шажарат ад-Дурр- маликату-л-муслимин ва ʼасимату-д-дунйа ва-д-дин. Дар ал-фикр ал-араби. Байрут – Лубнан. 2004.
19. Шаҳоб ад-дин ал-Умарий. Масолик ал-абсор фий мамолик ал-амсор. Ж. 16– Қоҳира: Дор ал-кутуб, 1964.